

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«_____» ХК

«__» _____ 20__ й.

ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТИ (НАВВОТ)НИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

БИЗНЕС РЕЖАСИ

_____ - 20__ йил

1. КИРИШ

«_____» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси _____ вилояти _____ тумани __ уй __ хонадонда жойлашган. Бизнес режа ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун, _____ банк кредит ресурслари ҳисобига ҳалқимизни тоза ва сифатли қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда аҳолини ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини янада қондириш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

Корхонада ҳозирги кунда _____ 2 киши фаолият кўрсатмоқда
Корхона раҳбари: _____
Паспорт маълумотлари: _____ йил __ _____ да АА _____
_____ туман ИИБ томонидан берилган.

«_____» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси манзилгоҳи:
_____ вилоят _____ тумани __ уй __ хонадон.

Ҳисоб рақам: _____ МФО: _____, _____ туман
_____ банк ИНН: _____

2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Корхона шакар маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни амалга оширишдан мақсади ҳалқимизни тоза ва сифатли қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Лойиҳанинг умумий қиймати **20 000 000 (йигирма миллион) сўм**, шундан 5 000 000 (беш миллион) сўми ўз маблағлари ҳисобидан, қолган 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Хусусий корхонанинг асосий мақсади шакар маҳсулотларини қайта ишлаб, новвот маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб ускуна сотиб олиб, қандолат маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни мўлжалланмоқда. Ушбу маҳсулотлар бозорида вужудга келган шароити ҳамда рақобатчиларга қараганда, яъни арзон нархдаги, юқори сифатли қандолат маҳсулотларига талабнинг катталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос бўлди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш, вилоятимизнинг ички истеъмол бозорини, юқори сифатли, нархи арзон, маҳаллий етиштиришнинг маҳсулотлари билан тўлдириш, лойиҳани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтиришга ички имконият яратиб беради.

3. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад, кредит ҳисобидан қандолат ишлаб чиқариш дастгоҳи сотиб олиб, шакар маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни асослашдир. Қайта ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотлари билан истеъмол бозорини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Лойиҳа ташаббускорининг, лойиҳани амалга оширишдан мақсади қуйидагилар:

- маҳсулот таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал харажатларининг тезда ўзини коплай олишлиги,

- хом- ашёни етказиб берувчилар ва тайёр маҳсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Хом-ашёни етказиб берувчилар ва етиштириладиган тайёр маҳсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиҳа ташаббускорининг ўртасида, ушбу лойиҳа бўйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини кўрсатди. Худудий қулай жойлашганлиги ҳамда етиштириладиган тайёр маҳсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли лойиҳани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ

_____ вилояти ҳудуди қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган. Қайта ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг асосий қисмини вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ҳудудларида ун ва шакар маҳсулотлари билан шуғулланаётган аҳолилар ташкил этади.

Шунинг учун вилоятимизда ички ва ташқи истеъмол бозорларининг талабига сифати жиҳатидан тўлиқ жавоб берадиган шакар маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг рақобатга кучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг ўзгаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этилган хусусиятга кўра, амалга ошириладиган лойиҳанинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга қараб, қайта ишлаб чиқарилаётган шакар маҳсулотлари ассортименти ва номенклатурасини қисқа муддат ичида ўзгартириш, мослаштириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, ички харажатларининг пастлиги, рақобатга бардош бериш имкониятига эга бўлишини кафолатлайди.

5. СОТИШ РЕЖАСИ

Сотиш режаси стратегияси, қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ва турига бўлган талабни ҳамма вақт ўрганиш, бозор шароитини ўзгаришига тезда мослашиш ҳамда юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

6. ЛОЙИҲА НАРХИ

Лойиҳанинг умумий нархи **20 000 000 сўм**ни ташкил этади. Шундан асосий капиталнинг киймати **15 000 000 сўм**ни ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускори томонидан банкдан **15 000 000 сўм** миқдоридан кредит маблағлари ҳисобидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган дастгоҳ сотиб олиш режалаштирилган.

Шундан: - 15 000 000 сўм – асосий капиталга
- 5 000 000 сўм – айланма капиталга

2.1 жадвалда, лойиҳа нархи аниқ кўрсатилган.

ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ НАРХИ

Жадвал 2.1.

№	Кўрсаткичлар	Ўз ҳисобидан (сўм)	Банк кредити (сўм)	Умумий миқдори (сўм)
1.	Жой учун	-	-	-
2.	Асбоб ускуналар учун	-	15 000 000	-
3.	Хом ашё	5 000 000	-	5 000 000
	ЖАМИ:	5 000 000	15 000 000	20 000 000

Кредитнинг таъминоти сифатида хусусий тадбиркор 30 000 000 сўмга нархланган ўз иншоотини тақдим этади.

Лойиҳада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 15 000 000 сўм
2. Қайтариш муддати – 3 йил.
3. Имтиёз даври – 6 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси - 14%
5. Кредитни ёпиш – ярим йиллик бадаллар билан қайтариш.
6. Кредитнинг-100% пул ўтказиш йўли билан олиниб, ушбу қисми уч йил ичида пул ўтказиш йўли билан қайтарилиши шарт.

7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури, кредит ҳисобидан сотиб олинадиган асбоб-уқуналарининг ишлаб чиқариш қуввати ва техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Ишлаб чиқариш ҳажми 1 ойда, яъни 24 иш кунинда лойиҳа бўйича тўлиқ қувватда ишлаганда, кунига 1000 кг новвотга тенгдир.

Ишлаб чиқариш режасини тузишда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараёни ҳам эътиборга олинган.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш

Ишлаб чиқариш жараёни ўзини ичига, олинаётган асбоб-уқуналар, ишлаб чиқариш жойини қайта мослаштириш тадбирлари ва шу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни олади.

Ушбу харажатлар лойиҳа ташаббускори ҳисобидан қопланади.

Ишлаб чиқариш жараёни

Кредит олингандан сўнг, тадбиркор 30 кун мобайнида керакли асбоб-уқуналар ва шакар сотиб олиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Шу мақсадда тадбиркор, асбоб-уқуналар ва хом-ашёни етказиб берувчилар билан шартномалар тузган (шартномалар бизнес-режага илова қилинади).

Бизнес-режада бир ҳафтада иш кунини 6 кун ҳисобида қабул қилинган. Ойига ўртача 25-26 кун.

Корхонада 4 та ишчи ишлайди.

1 кг наввот ишлаб чиқариш учун кетадиган материаллар харажатлари

Жадвал 3.2

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми	Хом-ашё номи	Ўлчов бирлиги	1 кг маҳсулот учун сарф миқдори	Нархи	Суммаси
1 кг Наввот учун	Шакар	кг	0,5	4500	2 250,0
	Бошқа қўшимча харажатлар	дона	1	500	500
	ЖАМИ				2 750,0

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойлик ва бир йиллик сарфланадиган хом-ашё харажатлари:

№	Хом-ашё номи	Ўлчов бирлиги	Нархи сўм	Бир кунлик сарф харажат миқдори (кунига 1000 кг) (минг сўм)	Бир ойлик (25 кун) сарф харажат (25000 кг), (минг сўм)	Бир йиллик сарф харажат, (минг сўм)
1	Шакар	0.5 кг	2 250	2 250	56 250,0	675 000,0
2	Бошқа қўшимча харажатлар	дона	500	1 500	37 500,0	450 000,0
	Жами		2750,0	2750	68 250,0	825 000,0

Бир кунда **1 000 кг** навот ишлаб чиқариш учун тадбиркорнинг хом-ашёга бўлган харажатлар суммаси **2 750,0 минг сўм**ни ташкил этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойлик ва бир йиллик иш ҳақи харажатлари харажатлари:

№	Ишчилар сони	1 кишининг ойлик иш ҳақи, (минг сўм)	Жами иш ҳақи	Ягона ижтимоий тўлов (25%)	Жами бир ойда (минг сўм)	Бир йиллик сарф харажат, (минг сўм)
1	4	1 000	4000	1000	5 000	60 000,0
	Жами				5 000	60 000,0

Бир ойда **25 000 кг** навот ишлаб чиқариш учун тадбиркорнинг иш ҳақи харажатлари **5 000,0 минг сўм**ни ташкил этади.

Электр-энергия харажатлари

№	Коммунал харажат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи сўм	Бир ойлик сарф харажат миқдори	Бир ойлик сарф харажат, (минг сўм)	Бир йиллик сарф харажат, (минг сўм)
1	Электр энергия	кВт	225,8	300	67,74	812,88
2	Сув	Кб/м.	60	37500	2 250,0	27 000,0
	Жами				2 317,74	27 812,88

Цехни ёритиш учун бир кунда **300 кВт** электроэнергия сарф қилинади. Тадбиркор, 1 кВт.га **225,8 сўм** ҳисобидан тўлайди. Электроэнергияга бир ойга **67,74 минг сўм**, йиллик электроэнергия харажатлари **812 минг сўм**ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш учун ойига **37 500 кб/м** совуқ сув ишлатилади. Ойлик **2 250,0 минг сўм**ли совуқ сув харажатлари мавжуд.

Шунда жами ойлик коммунал харажатлар **2 317,74 минг сўм**ни ташкил этади.

Амортизация харажатлари қуйидагича:

- бино-иншоотлар (30,0 млн.) - 1,5 млн. сўм йилига
- асбоб-ускуналар (15,0 млн) - 2,25 млн. сўм йилига

Жами йилига **3,75 млн сўм** амортизация харажатлари мавжуд.

Ойлик ўртача амортизация харажатлари **312,5 минг сўм**ни ташкил этади.

ТАННАРХ ҲИСОБ-КИТОБИ

№	Харажат номи	Бир ойда, (минг сўм)	Бир йилда, (минг сўм)
1	Хом ашё	68 250,0	825 000,0
2	Иш ҳақи	5 000,0	60 000,0
3	Аморитизация	312,5	3 750,0
4	Коммунал харажатлар	2 317,74	27 812,88
5	Транспорт харажатлари	10 080,0	960,00
I	Маҳсулот таннархи	85 960,0	917 522,8
	ЯЯТ учун қатъий белгиланган солиқ	368,6	4 423,2
II	Етиштирилган маҳсулотдан тушган тушум	175 000,0	2 100 000,0
III	Фаолиятдан кўрилган фойда	88 671,4	1 187 000,0

1 ойлик тайёр маҳсулотнинг таннархи **85 960,0 минг сўм**дан, 1 йиллик муддат ичида режага кўра, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархи **917 522,8 минг сўм**ни ташкил этади.

СОТИШДАН ТУШГАН ТУШУМ

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Бир ойда ишлаб чиқариш ҳажми (кг)	Бир ойлик тушум, (минг сўм)	Бир йилда ишлаб чиқариш ҳажми (кг)	Бир йиллик тушум, (минг сўм)
1	Наввот	кг	7 000	25 000	175 000,0	300 000	2 100 000
	Жами	дона			175 000,0		2 100 000

СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ВА ЧЕГИРМАЛАР

Корхона қатъий белгиланган ойлик тўлов тўлайди. Тўлов ставкаси, ҳар бир ишчи учун ЭКИХнинг 0,5 баробарини ташкил этади. 4 та ишчи учун солиқ тўлови **368,6 минг сўм**ни ташкил этади.

8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Пул оқимлари тўғрисида маълумот

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	1-йил	2-йил	3-йил
1.	Ялпи тушум	2 100 000,0	2 100 000,0	2 100 000,0
2.	Маҳсулот таннари	917 522,8	917 522,8	917 522,8
3.	Ялпи фойда	1 182 477	1 182 477	1 182 477
4.	Кредит фоизи	1006,25	647,50	227,50
5.	Кредит танининг қайтарилиши	3000,00	6000,00	6000,00
6.	Пул маблағларининг қолдиғи	1 178 470	1 200 468	1 200 608,0

№8 КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ГРАФИГИ

Кредит сўммаси

Фойзи

Кредит муддати

График бўйича тўловлар бошланғич
баланс

15 000 000	сўм
14%	йиллик
36	ой
15 000 000	сўм

КРЕДИТ ТўЛОВЛАРИ СХЕМАСИ

Тўлов санаси	Бошланғич баланс	Фоиз тўловлари	Кредит тўловлари	Жами тўловлар	Охирги баланс
1	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
2	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
3	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
4	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
5	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
6	15 000 000,00	175 000,00	0	175 000,00	15 000 000,00
7	15 000 000,00	175 000,00	500 000,00	675 000,00	14 500 000,00
8	14 500 000,00	169 166,67	500 000,00	669 166,67	14 000 000,00
9	14 000 000,00	163 333,33	500 000,00	663 333,33	13 500 000,00
10	13 500 000,00	157 500,00	500 000,00	657 500,00	13 000 000,00
11	13 000 000,00	151 666,67	500 000,00	651 666,67	12 500 000,00
12	12 500 000,00	145 833,33	500 000,00	645 833,33	12 000 000,00
13	12 000 000,00	140 000,00	500 000,00	640 000,00	11 500 000,00
14	11 500 000,00	134 166,67	500 000,00	634 166,67	11 000 000,00
15	11 000 000,00	128 333,33	500 000,00	628 333,33	10 500 000,00
16	10 500 000,00	122 500,00	500 000,00	622 500,00	10 000 000,00
17	10 000 000,00	116 666,67	500 000,00	616 666,67	9 500 000,00
18	9 500 000,00	110 833,33	500 000,00	610 833,33	9 000 000,00
19	9 000 000,00	105 000,00	500 000,00	605 000,00	8 500 000,00
20	8 500 000,00	99 166,67	500 000,00	599 166,67	8 000 000,00
21	8 000 000,00	93 333,33	500 000,00	593 333,33	7 500 000,00
22	7 500 000,00	87 500,00	500 000,00	587 500,00	7 000 000,00
23	7 000 000,00	81 666,67	500 000,00	581 666,67	6 500 000,00
24	6 500 000,00	75 833,33	500 000,00	575 833,33	6 000 000,00
25	6 000 000,00	70 000,00	500 000,00	570 000,00	5 500 000,00
26	5 500 000,00	64 166,67	500 000,00	564 166,67	5 000 000,00
27	5 000 000,00	58 333,33	500 000,00	558 333,33	4 500 000,00
28	4 500 000,00	52 500,00	500 000,00	552 500,00	4 000 000,00
29	4 000 000,00	46 666,67	500 000,00	546 666,67	3 500 000,00
30	3 500 000,00	40 833,33	500 000,00	540 833,33	3 000 000,00
31	3 000 000,00	35 000,00	500 000,00	535 000,00	2 500 000,00
32	2 500 000,00	29 166,67	500 000,00	529 166,67	2 000 000,00
33	2 000 000,00	23 333,33	500 000,00	523 333,33	1 500 000,00
34	1 500 000,00	17 500,00	500 000,00	517 500,00	1 000 000,00
35	1 000 000,00	11 666,67	500 000,00	511 666,67	500 000,00
36	500 000,00	5 833,33	500 000,00	505 833,33	0,00

9. ХУЛОСА

Ушбу лойиҳани тақдим этишдан олдин, лойиҳа ташаббускори томонидан, вилоятимиз, республикамиздаги ун ва шакар маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш бозорлари аҳволи ўрганилди ва лойиҳани амалга оширишда таъсир курсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий кўрсаткичлар натижалари, ҳамда ун ва шакар маҳсулотларини бозорларидаги нархларнинг ўрганилиб, ички бозордаги шароитни ва мумкин бўлган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб килинган таҳлил натижасида лойиҳани амалга оширишда, лойиҳа ташаббускори томонидан кўрсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётийлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан ойига 88,0 млн. даромад олиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳани амалга оширилиши, лойиҳа ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга ўз улушини қўшишга имкон яратади.

“ _____ ” ХК раҳбари
